

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБЛАКУЛОВА НОДИРА АБДУВАҲОБОВНА**

**БУҒДОЙНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАБИИЙ  
ТРИТЕРПЕНОИДЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

**02.00.10-Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Аблакулова Нодира Абдуваҳобовна**

Буғдойнинг замбуруғли касалликларига табиий тритерпеноидлар таъсирини  
баҳолаш.....3

**Аблакулова Нодира Абдуваҳобовна**

Оценка действия природных тритерпеноидов на грибковые заболевания  
пшеницы.....21

**Ablakulova Nodira Abduvakhobovna**

Assessment of the effects of natural triterpenoids on fungal diseases of  
wheat.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБЛАКУЛОВА НОДИРА АБДУВАХОБОВНА**

**БУҒДОЙНИНГ ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАБИИЙ  
ТРИТЕРПЕНОИДЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

**02.00.10 –Биоорганик кимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD./В176 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ww.biochem.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўшиев Ҳабибжон Ҳожибобоевич**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахунов Али Ахунович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч.,83. Тел.: 2623540, факс: (99871) 262-70-63, e-mail:shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Салихов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**Ш.А.Шомуротов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д

**М.Б.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
к.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда замбуруғли касалликлар оқибатида донли ва дуккакли донли ўсимликлар ҳосилдорлигининг 30% дан кўп миқдорда йўқолиши қайд этилади. Қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган буғдой ниҳолларини замбуруғли касалликлар таъсиридан сақлаш ва чидамлилигини ошириш мақсадида экологик жиҳатдан зарарсиз бўлган табиий бирикмалардан фойдаланиш долзарб масалалардандир. Шунга кўра стероидли гликозидлар орасидан ўсимликларни ўсиши ва ривожланишида ҳамда патоген ва ташқи экстремал омилларга чидамлилигини оширишда самарали таъсир этувчи препаратларни аниқлаш, уларнинг таъсирини физиологик-биокимёвий, молекуляр генетик жиҳатдан таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор берилган. Бу ўринда табиий тритерпеноидларни буғдойнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда замбуруғли касалликларига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунёнинг йирик тадқиқот марказларида бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлиги ва фитопатогенлар таъсирига ўсимликларнинг иммун тизими фаоллигини ошириш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ўринда биологик фаол бирикмалар ёрдамида буғдойнинг иммун тизимини кучайтириш ва бошқариш ҳисобига уларни патогенларга нисбатан чидамлилигини таъминлаш замонавий биологиянинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Шунга кўра замбуруғли патогенлар билан зарарланган буғдойнинг иммун тизими ҳолатини баҳолаш, табиий физиологик фаол бирикмаларнинг чидамлиликни белгиловчи молекуляр структураларини аниқлаш ва чидамлиликни ошириш механизмларини аниқлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ўсимликларни биотик омилларига чидамлилигини нанотехнологик усуллар ёрдамида ошириш бўйича инновацион ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда ташқи стресс омилларга таъсирини молекуляр-генетик усуллар асосида бошқариш борасида натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Шунга кўра мамлакатимизда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган буғдойнинг замбуруғли фитопатогенларга нисбатан чидамлилигини табиий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

физиологик фаол моддалар ёрдамида оширишнинг молекуляр механизмини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3683-сон «Ўзбекистон Республикасида уруғчилик тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2016 йил 7 февралдаги «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни 2016 йилда амалда жорий этишнинг йўл харитаси», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг кўпгина етакчи илмий марказ ва олий таълим муассасаларида ўсимликлар чидамлилигининг молекуляр механизмларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (FAO)да олиб борилган тадқиқотлар асосида ўсимликларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш асосида экологик хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини яратиш, Қурғоқчил ерларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда замбуруғли касалликларга чидамли навларни яратиш, Вашингтон университети (АҚШ) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида биорегуляторлар ёрдамида ўсимликларнинг стресс омилларга чидамлилигини ошириш, Tottori University (Япония) олимлари томонидан ўсимликларнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи кимёвий препаратлар яратиш, Биокимё ва генетика институтининг Уфа илмий маркази (Россия) томонидан олиб борилган тадқиқотлар асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи ҳамда замбуруғли касалликларига қарши таъсир этувчи физиологик фаол бирикмаларни аниқлаш, ВИР (Россия) ҳамда Хужайра биологияси ва ген инженерияси институти (Украина)да *in vitro* шароитда ўсимликларнинг замбуруғли касалликларига қарши таъсир этувчи физиологик фаол моддаларни аниқлаш ҳамда ген муҳандислиги асосида чидамли генларни аниқлаш бўйича олинган натижалар илмий тадқиқот жараёнлари ҳамда амалий фаолятда қўлланилмоқда.

МДХ давлатларида ўсимликларга таъсир этувчи стресс омилларни стероид табиатли бирикмалар билан бошқариш (Шакирова, 2001, 2006, Кинтя 1993); стероидли гликозидларнинг ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига таъсир этиши, сув алмашинуви ҳамда фотосинтез ва нафас олиш, ҳосилдорлиги каби биологик жараёнларга таъсири, патоген ва ташқи экстремал омилларга чидамлилигига таъсири каби физиологик хусусиятлари А.Г.Жакотэ (1997), А.Ф.Кирилов (2008), Г.В.Шишкану (2008), Г.А.Карпова (2008)лар томонидан олиб борган тадқиқотларда; ўсимликлар патогенлар билан инокуляция қилинганда ҳимоя оқсилларининг фаолият механизмлари ҳамда фитоиммунитетни самарали бошқарилишига кўмаклашувчи молекулаларнинг хусусиятларини ўрганиш натижалари И.В. Максимов (2005), Е.А. Черепанова (2007), Р.М. Хайруллин (2008) тадқиқотларида ўз аксини топган.

Республикамызда олиб борилган тадқиқотларда ДНК фрагментлари полиморфизмига асосланган молекуляр маркерларни ўрганиш (Абдурахмонов, 2011), оқсиллар спектри ва оксидоредуктазлар изоэнзимларидан иммунитет намоён бўлишининг ташҳисловчи белгиси сифатида фойдаланиш (Шодмонов, 2009; Юнусхонов, 2010) ғўза, бошоқли дон, картошка экинлари учун иммуностимуляторлар сифатида хитозан асосида янги препаратларни яратиш (Рашидова, 2012) бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, айрим кишлок хўжалиги ўсимликларининг ўсиш ва ривожланишига физиологик фаол моддалар таъсири бўйича ижобий натижалар олинган (Лукьянова, 2001, Тойчиев, 2002, Далимов, 2006, 2011, Ахунов, 2009, 2012, 2015). Лекин олиб борилган тадқиқотларда буғдойнинг ўсиши ва ривожланишида замбуруғли касалликлар таъсирини тритерпеноидли препаратлар билан бошқариш бўйича ишлар кам амалга оширилган. Шунга кўра тритерпеноид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини аниқлаш ва уларни замбуруғли касалликларга таъсирини баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳамда илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот режасининг «Маҳаллий хом ашёдан буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи препарат яратиш» мавзусидаги ИТД-10-015 рақамли лойиҳаси (2009-2011) режаси ҳамда университет базасидаги «Экспериментал биология» лабораториясининг «Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига биотик ва абиотик омиллар таъсирини тадқиқ қилиш» мавзусида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий тритерпеноидлар ва улар ҳосилаларини буғдойнинг замбуруғли касалликлари, ўсиши ва ривожланишига таъсир хусусиятларини аниқлаш ҳамда баҳолашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

буғдойнинг унувчанлиги ва ривожланиш босқичларида тритерпеноидларнинг таъсирини аниқлаш асосида муқобил таркиб ва концентрацияга эга бўлган микродорларини танлаш;

буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосили сифатига тритерпеноидлар ва уларнинг комплекс бирикмалари таъсирини тадқиқ қилиш;

лаборатория (*in vitro*) ва дала шароитида донли экинларда учрайдиган замбуруғли касалликларнинг (занг, қорақуя, септориоз) ривожланишига терпеноидлар (Полипренол, Реткил ва МДГ, КДГ) ва четдан олиб келинган фунгицидларнинг (Байлетон, Алто Супер, Тинтул ДУО) таъсирини қиёсий таҳлил қилиш;

буғдойнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантирувчи, фунгицидлик хусусиятига эга бўлган тритерпеноидлар композициясини яратиш;

тритерпеноидларни буғдойнинг сифат кўрсаткичларига таъсирини РНК маркерлари ёрдамида таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кузги буғдойнинг маҳаллий селекциясига мансуб Дўстлик, Чиллаки ҳамда четдан интродукция қилинган Тая ва Краснодар навлари, буғдойнинг занг замбуруғлари (*Puccinia striiformis*, *Tilletia caries*), септариоз (*Septoria nodorum*); Реткил, Полипренол препаратлари, глицирризин кислотанинг тузлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** буғдой навларини ташқи стресс омилларга чидамлилиқ хусусиятларини табиий ва физиологик фаол моддаларнинг таъсир хусусиятлари асосида ўрганиш; буғдойнинг замбуруғли касалликларига тритерпеноид табиатли бирикмалар таъсирини баҳолаш; буғдойнинг ўсиш ва ривожланишини авжлантирувчи, фунгицидлик хусусиятига эга бўлган тритерпеноидлар композицияларини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнида биокимё, биоорганик кимё, ўсимликлар физиологиясининг умум қабул қилинган тадқиқот усуллари, ўсимликлар биотехнологияси усуллари ҳамда молекуляр-биологик (экстракция, чўктириш, ажратиш, гель-электрофорез, РНК ажратиш, Полимераза занжир реакцияси) усулларида фойдаланилган. Кузги буғдой навлари кўрсаткичлари SPSS-14 дастури ёрдамида ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

полипренол, реткил препаратлари, мис, кобальт диглицирризинатни буғдойнинг замбуруғли касалликларига таъсири аниқланган;

тритерпеноидларнинг замбуруғли касалликларга таъсири Байлетон, Алто Супер, Тинтул ДУО препаратлари билан таққосланиб, улар асосида препаратлар ўрнини боса оладиган композициялари яратилган;

мис ва кобальт диглицирризинат композициясини буғдойнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириши, ҳосилдорлигини ошириши ҳамда замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этиши аниқланган;

мис ва кобальт диглицирризинат композициясини буғдой дони таркибида оқсил ва клейковина миқдорининг ортишига таъсир этиши шунингдек, кобальт диглицирризинатнинг буғдой тўқималари РНКси фаоллигига таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

глициррзин кислотасининг тузлари композициясининг таъсирида буғдой дони таркибида оқсил ва клейковина миқдорининг ортиши аниқланган;

табiiй тритерпеноидларнинг замбуруғли касалликларга таъсири исботланган;

кобальт диглицирризинатнинг буғдой тўқималари РНКси фаоллигига таъсири исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** замонавий биокимёвий ва биотехнологик, молекуляр-биологик (экстракция, чўктириш, ажратиш, гель-электрофорез, РНК ажратиш, полимераза занжир реакцияси) тадқиқот усуллари қўлланганлиги, тадқиқот натижалари назарий маълумотларга мос келиши билан тасдиқланади. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ишлари SPSS-14 дастури ёрдамида ҳисобланган ва ўртача қийматларнинг ишончилилик интервали қийматлари аниқланган. Олинган натижаларнинг исботи соҳа мутахассисларининг эксперт сифатида берган баҳолари ва тадқиқот натижаларининг амалий намоёиш этилиши ҳамда республика ва халқаро миқёсда ўтказилган анжуманлардаги муҳокамаси, рецензияланган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, буғдой ниҳолларини фитопатогенезга чидамлилигини ошириш билан боғлиқ ҳолда тритерпеноидларнинг иммун тизими фаоллигини оширишдаги роли ва ўзига хос қонуниятлари ўсимлик чидамлилигини оширишнинг молекуляр механизмини аниқлашда аҳамиятга эга. Тритерпеноид табиатли бирикмаларни тадқиқот натижалари ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига стресс омиллар таъсирини бошқаришнинг илмий асосларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, тритерпеноид табиатли табиий бирикмаларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиши билан боғлиқ маълумотлар ушбу йўналишда янги авлод препаратларини яратилишига асос бўлиб, олинган натижалар ўсимликларни касалликларга чидамлилик механизмини молекуляр даражада бошқаришнинг самарали воситалари ва технологияларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига табиий тритерпеноидли бирикмалар таъсирини тавсифлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тритерпеноид табиатли бирикмаларни буғдойнинг ўсиши ва ривожланишини авжлантириш хусусиятлари Ф-5-06 рақамли «Баъзи бир биорегуляторларнинг таъсир механизмини ўрганиш» лойиҳасида (2015-2017) ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида биорегуляторларнинг таъсир механизмини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 89-03-918 рақамли маълумотномаси). Натижада биорегулятордан фойдаланиш асосида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқариш имконини берган;

тритерпеноид табиатли бирикмаларнинг буғдойдаги замбуруғли касалликларга таъсири ИТД-9-26 «Шўрланган тупроқ шароитида донли экинларнинг ўсиши, ривожланишини авжлантирувчи ва патогенларига самарали таъсир этувчи препаратлар яратиш» лойиҳасида (2012-2014) донли экинларнинг замбуруғли касалликларига қарши таъсир этиш механизмини аниқлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 89-03-918 рақамли маълумотномаси). Натижада буғдойнинг патогенларига самарали таъсир этувчи перепаратлар яратиш имконини берган;

тритерпеноид табиатли бирикмаларни таъсирида буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши сифат кўрсаткичларини ошиши А-9-27 «Батат, картошка ва топинамбурнинг абиотик омилларга чидамлик хусусиятларини таҳлили ва шўрга чидамли линияларини *in vitro* усули ёрдамида яратиш» лойиҳасида (2015-2017) *in vitro* шароитда табиий стимуляторларнинг батат, картошка ва топинамбурнинг вегетатив органларининг ҳосил бўлишига таъсирини аниқлашда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 89-03-918-сон маълумотномаси). Натижада батат, картошка ва топинамбурнинг биорегуляторлар таъсирида стресс омилларга чидамли формаларини олиш имконини берган.

глицирризин кислотасининг кобальт ва мис микроэлементли тузлари асосида яратилган композиция (КДГ:МДГ) Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Сирдарё илмий тажриба станциясида, Гулистон давлат университетига қарашли тажриба хўжалигида ҳамда Боёвут туманидаги фермер хўжаликларида ғалла етиштириш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 02/021-236 рақамли маълумотномаси). Натижада буғдой Таня навининг сариқ занг билан касалланишини назоратга нисбатан 20%, кўнғир занг билан 25% га камайишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 7 та илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация бўйича мақолаларни чоп этишга

тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 3 та республика ва 3 та си хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимликлар ва фитопатогенлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг молекуляр механизмлари ҳақидаги тасаввурлар, ўсимликлар чидамлилигини бошқариш**» деб номланган биринчи бобида замбуруғли касалликлар таъсирида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши босқичида юзага келувчи ҳимоя воситалари ва ўсимликлар тўқималари хужайраларида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар ҳамда фитопатогенларнинг ривожланишини бошқаришда физиологик фаол моддалардан фойдаланиш тўғрисида адабиёт маълумотларини таҳлили натижалари келтирилган. Гликозидларнинг ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши ва маҳсулдорлигига таъсири билан боғлиқ ҳолда тритерпеноидларнинг тузилиши ва хоссалари, ўсимликларни фитопатогенларга мослашиш механизми олиб борилган тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш асосида ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объекти, шароити ва тритерпеноидларни буғдойнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда замбуруғли касалликларига таъсирини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотлар давомида жалб қилинган объектлар, фойдаланилган усуллар, хусусан биоорганик кимё (тритерпеноидларнинг буғдойни ўсиши ва ривожланиши ҳамда замбуруғли касалликларига таъсири сифат анализи, физиологик фаол моддаларнинг таъсир этиш цикллари), биотехнологик (буғдой каллусларини олиш, хужайра ва тўқималарни *in vitro* шароитида ривожланиши), геномика (РНКни молекуляр маркерлар асосида таҳлил қилиш) усулларида фойдаланиш бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг учинчи «**Буғдой ниҳолларида фитопатогенларнинг ривожланишини тритерпеноидлар ёрдамида бошқариш**» бобида физиологик

фаол моддалар ёрдамида буғдойни ўсиши ва ривожланишида экзоген омиллар таъсирини бошқаришнинг физиологик, биокимёвий ва генетика усулларидадан фойдаланган ҳолда олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Буғдойнинг замбуруғли касалликларига тритерпеноидлар таъсирини аниқлаш натижалари асосида полипренол, реткил, мис диглицирризинат (МДГ) ва кобальт диглицирризинат (КДГ) энг яхши бирикмалар эканлиги қайд қилинган. КДГнинг 0,01 ва 0,05% эритмалари билан 20 л/т миқдорий кўрсаткич асосида буғдой навларининг уруғлик донига экишдан олдин ишлов берилиб, вегетатив ривожланиш босқичларида ниҳолларга сепилган ва сепилмаган ҳамда экишдан олдин уруғлик донларига ишлов берилмасдан фақат вегетатив ривожланиш босқичларида сепилган вариантларида ҳосил элементлари назорат билан қиёсий таҳлил қилинган.

Барча навларда назоратга нисбатан препарат билан ишлов берилган ҳамда пуркалган вариантларда ҳосилдорликда энг юқори кўрсаткич аниқланди яъни бу кўрсаткич назоратга нисбатан Краснодарда 5,2, Дўстликда 8,7, Чиллакида 5,9, Таняда 7,0 ц/га юқори. КДГ билан донга ишлов берилганда назоратга нисбатан ҳосилдорлик Краснодарда 2,0, Дўстликда 2,5, Чиллакида 1,6, Таняда 0,5 ц/га кўрсаткич билан фарқ кузатилди (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### КДГнинг буғдой навлари ҳосилдорлигига таъсири

Вариант	Ҳосилдорлик, ц/га				Назоратга нисбатан КДГ б-н ишлов бериб, пуркалганда қўшимча ҳосил (ц/га)
	Назорат	КДГ б-н ишлов берилган	КДГ (фақат пуркалган)	КДГ (ишлов берилган, пуркалган)	
Краснодар	53,1±1,6	55,1±2,1	55,1±1,3	58,3±0,9	5,2
Дўстлик	60,1±2,7	62,6±2,4	60,9±0,9	68,8±0,9	8,7
Чиллаки	63,0±2,2	64,6±1,2	65,0±1,1	68,9±0,9	5,9
Таня	62,6±2,4	63,1±1,4	63,0±2,2	69,6±0,5	7,0

КХФ<sub>05</sub> (НСР 05) = 2 ц/га

Демак, КДГ билан буғдой донларига ишлов бериб ҳамда пуркалганда ҳосилдорликка ижобий таъсир этади.

Олиб борилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатдики, КДГ билан ишлов берилганда, пуркалганда, ишлов берилиб ҳам пуркалганда назоратга нисбатан доннинг сифат кўрсаткичларида ижобий натижалар кузатилган, айниқса препарат билан донга ишлов берилиб ҳамда пуркалганда назоратга нисбатан энг юқори кўрсаткичлар қайд этилган (2-жадвал).

## Доннинг сифат кўрсаткичларига КДГ таъсири

Навлар	Назорат	Клейковина миқдори, %		
		КДГ (донга ишлов берилган)	КДГ (фақат пуркалган)	КДГ (ишлов берилган ва пуркалган)
Краснодар	21,1±1,8	22,1±1,6	22,5±1,2	23,2±1,4
Дўстлик	22,1±2,5	23,7±1,9	24,3±1,6	23,6±1,3
Чиллаки	20,1±1,6	21,3±1,2	23,2±1,5	23,4±1,6
Таня	23,4±1,8	23,6±1,6	23,5±1,3	23,9±1,3

КДГ билан донга ишлов берилиб ҳам пуркалганда назоратга нисбатан клейковина миқдори Краснодар навида 2,1%, Дўстликда 1,5%, Чиллакида 3,3%, Таняда 0,5% га ортди. КДГ билан донга ишлов берилганда назоратга нисбатан клейковина миқдори Краснодар навида 1,1%, Дўстликда 1,6%, Чиллакида 1,2%, Таняда 0,2% га ортди. КДГ пуркалганда назоратга нисбатан Краснодар навида 1,4%, Дўстлик навида 2,2%, Чиллаки навида 3,1%, Таняда 0,1% га клейковина миқдори ортди. Бу кўрсаткичлар КДГни буғдойнинг дон сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг тўртинчи «Тритерпеноидларнинг буғдойни замбуруғли касалликларига таъсири» деб номланган бобида тритерпеноидларнинг буғдойни замбуруғли касалликларига таъсири коммерциал препаратлар таъсири билан солиштирилган ҳолда таҳлил қилинган. МДГ ва КДГ буғдойнинг ўсиши ва ривожланишида салбий таъсир этувчи биотик омиллар, жумладан, замбуруғли касалликларга қарши таъсир этувчи воситаларни аниқлашда ўрганилаётган препаратларнинг асосий таркибий қисмини ташкил этди. Буғдой навлари қўнғир ва сариқ занг споралари билан инокуляция қилиниб, МДГ:КДГ билан ишлов берилганда ниҳолларни занг билан зарарланмаслик ёки назоратга нисбатан касалликларнинг сезиларсиз ривожланиши кузатилди. Демак, МДГ ва КДГ буғдойнинг ўсиш ва ривожланишини ҳамда ташқи биотик стресс омиллар таъсирини бошқаришда ижобий хусусиятларни намоён қилди.

Полипренол ва Реткил препаратларини занг замбуруғига қарши таъсирини ўрганиш учун буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши ишлаб чиқаришда қўлланиб келинаётган Тинтул ДУО, Алто Супер ва Байлетон препаратлари билан бир хил вақтда буғдойнинг вегетатив ривожланиш босқичларида сепиб қўлланилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, тажрибага жалб қилинган буғдой навларидан Дўстлик назоратда сариқ занг билан 41% зарарланган бўлса, Краснодар нави 50% зарарланди (3-жадвал).

**Полипренол ва Реткил препаратларининг буғдойни сариқ занг касаллигига қарши таъсири, %**

Вариантлар	Дўстлик	Краснодар
Назорат	41,20±0,58	50,02±0,53
Байлетон	15,05±0,28	20,05±0,46
Тинтул ДУО	15,05±0,26	20,07±0,46
Алто Супер	10,05±0,50	10,12±0,51
Реткил	15,05±0,32	10,09±0,52
Полипренол	5,21±0,21	10,11±0,51

Замбуруғли касалликларга қарши ишлатилган препаратларда Дўстлик навида назоратга нисбатан Байлетон таъсирида сариқ занг касаллиги 2,6 марта, Тинтул ДУО да ҳам 2,6 марта, Алто Супер 4 марта кам зарарланган бўлса, Реткилда 2,6 марта, Полипренолда эса 8 марта кам зарарланиш ҳолати кузатилди. Краснодар навида назоратда сариқ занг билан касалланиш 50% кўрсаткичда бўлса, Байлетон билан ишлов берилган вариантда назоратга нисбатан 2,5 марта, Тинтул ДУО ҳам 2,5 марта, Алто Супер 5 марта кам зарарланиш кузатилди. Реткил ва Полипренол билан ишлов берилган вариантларда ҳам назоратга нисбатан 5 баробар кам зарарланиш аниқланди (3-жадвал). Буғдойнинг занг касаллигига қарши қўлланилган препаратларнинг таъсири шуни кўрсатдики, Реткил, Полипренол, Байлетон ва Тинтул ДУО фунгицидларига нисбатан ижобий кўрсаткичларни намоён этди. Полипренол ва Реткилнинг Алто Супер фунгициди билан таъсир кўрсаткичлари деярли бир хил эканлиги аниқланди.

Демак, маҳаллий хом ашё асосида яратилган Полипренол ва Реткил препаратлари буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи препарат бўлиб, буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши четдан олиб келинадиган фунгицидларнинг ўрнини боса олади.

МДГ:КДГ буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши қўлланиб келинаётган Байлетон, Тинтул ДУО ва Алто Супер препаратлари билан бир хил вақтда буғдойнинг вегетатив ривожланиш босқичларида сепиб қўлланилди.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, тажрибага жалб қилинган буғдой навларидан Чиллаки назоратда сариқ занг билан 40%, қўнғир занг билан 10% зарарланган бўлса, Дўстлик нави 30 ва 10%, Краснодар нави 30 ва 25%, Таня нави 55 ва 30% зарарланди. Ушбу замбуруғли касалликларга қарши ишлатилган препаратларда Чиллаки навида назоратга нисбатан Байлетон препарати таъсирида сариқ занг касаллиги 1,2 марта, қўнғир занг касаллигида 8 марта кам зарарланди. Алто Супер препаратида 1,2 ва 2 марта, Тинтул ДУО препаратида 4 ва 8 марта кам зарарланган бўлса, МДГ:КДГ билан ишлов берилган қайтариқларда зарарланиш Тинтул ДУО билан деярли бир хил (4-жадвал).

## 4-жадвал

**МДГ ва КДГ ҳамда уларнинг композицияси (МДГ:КДГ(1:1))ни буғдойнинг занг касаллигига қарши таъсири %**

		Чиллаки	Дўстлик	Краснодар	Таня
Назорат	Сариқ занг	40,75±0,55	30,95±0,24	30,15±0,19	55,69±0,35
	Кўнғир занг	10,35±0,54	10,35±0,26	25,05±0,15	30,22±0,37
Байлетон	Сариқ занг	25,15±0,22	20,75±0,16	15,05±0,19	30,13±0,37
	Кўнғир занг	5,35±0,22	5,44±0,14	10,85±0,43	10,27±0,24
Алто Супер	Сариқ занг	25,05±0,19	20,75±0,16	15,05±0,38	30,08±0,40
	Кўнғир занг	20,04±0,50	10,45±0,23	10,95±0,47	15,05±0,30
Тинтул ДУО	Сариқ занг	10,05±0,48	5,35±0,13	5,45±0,32	15,02±0,29
	Кўнғир занг	5,15±0,22	0±	5,25±0,25	5,45±0,38
КДГ	Сариқ занг	35,15±0,37	20,25±0,17	10,05±0,24	15,01±0,29
	Кўнғир занг	10,45±0,34	10,15±0,23	10,15±0,20	5,25±0,33
МДГ	Сариқ занг	10,25±0,28	0±	5,05±0,18	10,13±0,18
	Кўнғир занг	5,04±0,21	0±	0±	5,85±0,23
МДГ:КДГ	Сариқ занг	0±	5,25±0,12	5,25±0,09	5,86±0,18
	Кўнғир занг	0±	0±	0±	5,13±0,10


Демак, маҳаллий хом ашё асосида яратилган МДГ:КДГ композиция буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши самарали таъсир этувчи препарат бўлиб, буғдойнинг замбуруғли касалликларига қарши четдан олиб келинадиган фунгицидларнинг ўрнини боса олади.

Диссертациянинг «Тритерпеноидларнинг буғдой ниҳоллари тўқималари таркибидаги оксил, РНК миқдорига таъсири» деб номланган бешинчи бобида буғдой ниҳолларида ИСК миқдорининг ортиб бориши мембранадан хужайраларга нафақат сувнинг фаол ҳаракатланиши балки сув билан бирга хужайрада муҳим ҳаётий функцияни амалга оширадиган оксиллар синтези учун керак бўлган бошланғич модда ва элементларнинг фаол ўтиши юзага келади. Буғдой ниҳолларига экзоген таъсир этувчи метионин ва тритерпеноид моддалар алмашинуви жараёнини фаолланиши ва синтетик жараённи жадаллаштишига сабаб бўлади. Синтетик жараёнларнинг интенсив кўрсаткичларидан бири ўсимлик тўқималарида оксил миқдорининг ортиб бориши бўлди (5-жадвал).

5- жадвалда берилган маълумотлар асосида шуни қайд этиш мумкинки, препаратлар таъсирида буғдой ниҳолларида оксил миқдорининг ҳосил бўлиш кўрсаткичи назоратга нисбатан деярли барча препаратлар таъсирида ортиб борган. Айниқса, КДГ ҳамда МДГ:КДГ таъсирида энг юқори кўрсаткич қайд қилинган.

Оксил нисбатлари йиғиндиси кўрсаткичлари таҳлили асосида ҳам шуни қайд этиш мумкинки, препаратлар таъсири РНК фаоллигини оширишида ҳамда оксил биосинтезида препаратларнинг таъсир кўрсаткичлари ижобий бўлган. Бу






**2-расм. Буғдойнинг илдиз ва баргларида miR395 экспрессиясининг препарат таъсирида ўзгариши.**

Олиб борилган тадқиқотлар давомида кобальт диглицирризинат ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланишини авжлантирувчи ҳамда ташқи омилларга чидамлилигини оширувчи физиологик фаол бирикма сифатида қайд этилди.


ҚДГ эритмаси билан ишлов берилган буғдой намуналари тўқималарида miR168 локус амплификацияланиш кўрсаткичи назоратга нисбатан бир неча марта ортганлиги аниқланди (3-расм).



**3-расм. Буғдой ниҳоллари илдизларининг кобальт диглицирризинат билан ишлов берилганидан сўнг miR168 локус профили GeneTool software (Syngene) ёрдамида аниқланди: А - назорат, В - Е – препаратнинг турли концентрациялари (1%, 0,1%, 0,01% ва 0,001%).**

Бу кўрсаткич буғдой барглари тўқималарига нисбатан илдиз тўқималарида юқори эканлигидан далолат беради. Буғдой ниҳоллари


тўқималарининг электрофореграммаси линиялари профилларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, бунда нафақат miРНК фрагментларида полиморфизм ҳолати кузатилди (4-расм), балки 0,01% эритмаси билан ишлов берилган вариантда 0,001% га нисбатан 10 баробар юқори миқдорий кўрсаткичлар аниқланди. Олиб борган тадқиқотларимиз давомида КДГ эритмалари билан ишлов берилган буғдой ниҳоллари тўқималарини таҳлил қилишда miR168 биомаркер сифатида роль ўйнаши мумкинлиги кўрсатилди.



**4-расм. Буғдой ниҳоллари баргларининг кобальт диглицирризинат билан ишлов берилганидан сўнг miR395 локус профиллари GeneTool software (Syngene) ёрдамида аниқланди: А - назорат, В - Е – фунгициднинг турли концентрациялари (1%, 0,1%, 0,01% ва 0,001%).**


КДГ нинг 1% ва 0,1% концентрацияга эга бўлган эритмалари буғдой ниҳоллари тўқималаридаги ДНК молекулалари фаоллигига таъсири кузатилди. Буғдой ниҳоллари тўқималаридаги miR168 биомаркер профилининг стресс ҳолатини ўрганиш натижалари асосида КДГнинг ўсимликларни иммун тизими фаоллигини ошириши аниқланди.

Кобальт диглицирризинат таъсирида miR168 кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кобальт диглицирризинатнинг ўртача таъсир коэффиценти 27,63 дан 28,69 гача бўлганда, стандарт оғиш 0,24 дан 0,66 гача ўзгарар экан. miR395 нинг кўрсаткичи эса анча паст, таъсир коэффиценти 34,86 дан 35,52 гача ўзгарганда эса, стандарт оғиш 0.35 дан 1.52 гача ўзгарди (5-расм).




**5-расм. Кобальт диглицирризинат ёрдамида ишлов берилган буғдой ниҳоллари баргларида miR395 амплификация профиллари qRT-ПЦР ёрдамида аниқланди.**

Ҳар иккала миРНК таҳлил қилинганда, кобальт диглицирризинатнинг 1% эритмасида уларнинг миқдори (miR168 учун 11,76% ва miR395 учун 1,5%) камайди. Кобальт диглицирризинатнинг 0,1% ва 0,01% эритмаси таъсири билан солиштирилганда эса miR168 учун 1,87% ва miR395 учун 9,52% кўрсаткичда ортиши аниланди (6 – 7-расмлар).



**6-расм. ДАКТ методи асосида кобальт диглицирризинатнинг турли хил концентрациялари (1%, 0,1%, 0,01% ва 0,001%) билан ишлов берилгандан сўнг буғдой баргларидаги miR168 экспрессия даражаларининг ўзгариши.**



**7-расм. ДАКТ методи орқали кобальт диглицирризинатнинг турли хил концентрациялари (1%, 0,1%, 0,01% ва 0,001%) билан ишлов берилгандан сўнг буғдой баргларидаги miR395 экспрессия даражаларининг ўзгариши.**

Глицирризин кислотаси тузининг самарали таъсири буғдой баргларининг узоқроқ муддат билан яшовчанлиги билан назоратдаги намуналардан фарк қилди.

Глицирризин кислотаси ҳосилаларини буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда замбуруғли касалликларнинг ривожланишига қарши самарли таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган бир неча йиллик тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда глицирризин кислотаси тузлари билан буғдойнинг уруғлик донларини экишдан олдин ишлов бериш ҳамда вегетатив ривожланиш босқичларида эритмаларини сепиш тавсия қилинди. Глицирризин кислотаси билан ишлов бериш билан амалга ошириладиган профилактик ишлар асосида буғдой ниҳолларини замбуруғли касалликлардан ҳимоя қилиш ҳамда ҳосилдорлиги ва ҳосили сифатини оширишга эришилади.

### Хулосалар

1. Полипренол, Реткил ҳамда глицирризин кислотасининг кобальт (КДГ) ва мис (МДГ) микроэлементли ҳосилаларининг эритмалари билан буғдой донини экишдан олдин ишлов берилиб, вегетатив ривожланиш фазаларида сепилганда ўсиши ва ривожланишини авжлантириши, ҳосилдорлигини ошириши ва шунингдек, КДГ ва МДГнинг ниҳолларни занг замбуруғига чидамлилигини ошириши ва септориоз касаллигига самарали таъсир этиши билан изоҳланади.
2. Тритерпеноидларни буғдойнинг замбуруғли касалликларига таъсири Байлетон, Тинтул ДУО, Алто Супер коммерциал препаратлари билан солиштириш асосида самарали таъсир этувчи МДГ:КДГ композицияси тавсия этилди.
3. МДГ:КДГни буғдой дони таркибида оқсил ва клейковина миқдорининг ортишига ижобий таъсир этиб, сифат кўрсаткичларини ошириши исботланди.
4. КДГ буғдой ниҳоллари тўқималаридаги miR168 биомаркер профилининг стресс ҳолатини юзага келтириши, иммун тизими фаоллигини ошириши билан изоҳланади.
5. Кобальт диглицирризинатнинг 1% эритмаси таъсирида буғдой ниҳолларидаги miR168 ва miR395нинг миқдори (miR168 учун 11,76% ва miR395 учун 1,5%) камайиши, 0,1% ва 0,01% эритмаси таъсирида эса miR168 учун 1,87% ва miR395 учун 9,52% кўрсаткичда ортишига олиб келди.
6. МДГ:КДГ композициясининг табиий фитогормонлар таъсирига мос келувчи кичик концентрацияларда (0,005%:0,005%) экиш олдиан буғдойнинг уруғлик донларига ишлов бериш асосида ўсимликни ўсиш-ривожланишини авжлантирувчи ва замбуруғли касалликларига чидамлилигини оширувчи ҳамда самарали таъсири хусусиятларига кўра ишлаб чиқаришда фойдаланишга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,  
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

---

**ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБЛАКУЛОВА НОДИРА АБДУВАХОБОВНА**

**ОЦЕНКА ДЕЙСТВИЯ ПРИРОДНЫХ ТРИТЕРПЕНОИДОВ НА  
ГРИБКОВЫЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ ПШЕНИЦЫ**

**02.00.10 –Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.2.PhD/В176.**

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» » ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Кушиев Хабибжон Хожибобоевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ахунов Али Ахунович**  
доктор биологических наук, профессор

**Мухамедов Рустам Султанович**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкент аграрный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г . в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.K/B/T.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальным университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ Узбекистана (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83, Тел. 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер № \_\_\_\_\_). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Ш.И.Салихов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

**Ш.А.Шомуротов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н.

**М.Б.Гафуров**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

## **Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире отмечается потеря урожайности зерновых и бобовых культур более 30 % из-за грибковых заболеваний. Использование экологически безопасных природных соединений в целях повышения устойчивости экономически важных и имеющих стратегическое значение проростков пшеницы к грибковым заболеваниям и сохранения их от влияния этих заболеваний, является одной из актуальных проблем. Поэтому поиск эффективно влияющих препаратов на рост и развитие растений, повышающих устойчивость на патогенные и внешне экстремальные факторы, из числа стероидных гликозидов, научно-исследовательским работам по анализу физиологически-биохимического, молекулярно-генетического влияния уделяют особое внимание. В этом плане важно оценить влияние природных тритерпеноидов на рост и развитие пшеницы и на их грибковые заболевания.

В крупных исследовательских центрах по всему миру ведутся исследования, направленные на повышение активности иммунной системы растений на воздействия фитопатогенов и рост урожайности сельскохозяйственных культур. В то же время одной из актуальных задач современной биологии является обеспечение устойчивости к патогенам путем укрепления и контроля иммунной системы пшеницы с использованием биологически активных соединений. Следовательно, важно с научной и практической точки зрения оценить состояние иммунной системы пшеницы, зараженной грибковыми патогенами, выявить молекулярные структуры, определяющие стабильность природных физиологически активных соединений, а также определение механизма повышения устойчивости.

В нашей стране особое внимание сейчас уделяется использованию инновационных достижений для повышения устойчивости растений к биотическим факторам с помощью нанотехнологических методов. На основе программных мер, принятых в этом направлении, были достигнуты определенные результаты, в том числе в области управления влиянием роста и развития растений, влиянием на факторы внешнего стресса молекулярно-генетическими методами. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены конкретные задачи по «продвижению научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов реализации научных и инновационных достижений»<sup>1</sup>. Поэтому в нашей стране определить молекулярный механизм повышения стойкости пшеницы, которая имеет стратегическое значение, к грибковым фитопатогенам с помощью природных физиологически активных веществ, важно с научной и практической точек зрения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнению задач, предусмотренных в Указе в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан ПП-3683 от 27 апреля 2018 года «О мерах по совершенствованию семенной системы в Республике Узбекистан» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2016 года «Дорожная карта для реализации на практике мер по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах», Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

